Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 259 (2243).
3 ШАНБА
НОЯБРЬ 1973 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

1973 Беш йиллик: ҳал қилувчи йил меҳнат вахтаси

Меҳнат зафарларимиз — Улуғ Октябрга!

Тонгги газеталарда

⊙ Тинчликсевар кучларнинг Жаҳон конгрессида қабул қилинган ҳужжатлар: «Тинчликсевар кучлар Жаҳон конгрессининг Чақириғи», «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 1973 йил 22 ва 23 октябрдаги резолюциялари амалга оширилсин» ва «Бундан буёнги ҳаракатлар» эълон қилинган.

⊙ Болгария Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Тодор Живков КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан қисқа муддатли дўстлик визити билан 2 ноябрда Москвага келди.

⊙ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан ГФР федерал канцлерининг ўринбосари, ташқи ишлар министри В. Шеель ўртасида олиб борилаётган музокаралар 2 ноябрь куни давом эттирилди. Музокаралар ишчанлик вазиятида ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

ЯНГИ ИНСТИТУТ ОЧИЛАДИ

850 йигит-қиз келаси йили кузда маданият институтининг студентлари бўлишади. Бу янги, Ўзбекистонда ҳисоб бўйича қирқ биринчи олий ўқув юрти республика пойтахтида очилади. Институтнинг икки факультети кутубхоначилар, халқ театрлари режиссёрлари, музика, хор ва рақс ҳаваскорлик коллективлари раҳбарларини тайёрлайди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигида ЎзТАГ мухбирига хабар беришларича, маданият институти Тошкентнинг янги районида, Черданицев кўчасида жойлашади. Ҳозир бу ерда ўқув корпуси билан ёнма-ён ётоқхона, студентлар ошхонаси қурилмоқда.

Баҳорда маданият институтининг ўқитувчилари қишлоқлар ва ишчи клубларига жўнаб кетишади. Бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида қатнашиш институтга кириш учун қабул имтиҳонларидан ўтадиганларга энг яхши тавсиялардан бири бўлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг полиграфчилар коллективи тўқиизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан олган мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар. Ҳозир корхона ишчилари ўртасида Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 56 йиллиги байрами шарафига бошланган меҳнат вахтаси кун сайин авж оляпти. Сиз мана бу суратда нашриёт офсет цехининг 1974 йил ҳисобига баракали меҳнат қилаётган зарбдор печатникларидан Екатерина Чашкина (чапда) ва Светлана Климова ўртоқларни кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

Ремонтчилар тортиғи

10-автомобиль ремонти заводи шаҳримиздаги илғор корхоналардан бири ҳисобланади. Ҳал қилувчи йилнинг дастлабки кунларидан зарбдор меҳнат вахтасини давом эттириб келаётган корхона ремонтчилари ўтган даврда 3,5 миллион сўмликдан ортиқ капитал ремонт ишларини бажарди. Бу кўзда тутилганидан анча ортиқдир.

Корхона ишчилари ишдан чиққан автомашиналар, автобусларга «иккинчи умр» бағишлашда ҳам жонбозлик кўрсатяпти. Шу кунга қадар ана шундай техника воситаларидан 2600 га яқини ремонтдан чиқарилиб, хўжаликларга юборилди. Илғор коллектив байрамга ҳам муносиб совғалар билан келишга аҳд қилган эди. 756 та прицеп тайёрлаб, буюртмачиларга юборганликлари уларнинг Улуғ Октябрга муносиб туҳфалари бўлди. Яқинда транспортчилар 7 тоннагача юк кўтара оладиган яна бир янги прицепни кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Ҳозирнинг ўзидаёқ ана шундай прицеплардан 200 га яқини тайёрланиб мижозларга жўнатилди. Шунингдек, республикамиз колхоз ва совхозларига автомашиналарнинг ремонти учун эҳтиёт қисмлар, комплект агрегатлар ва бошқа муҳим қисмлар етказишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Шу кунга қадар мижозларнинг буюртмаси бўйича юз комплектдан ортиқ агрегат ва кузовлар, бир неча ўн минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилди.

Байрамолди зарбдор вахтасини уюшқоқлик билан давом эттираётган коллектив йил бошидан буён меҳнат унумдорлиги тошириғини пландагидан 3,5 процентга оширишга эришди. Заводда шу кунларда вақтдан ўзиб ишлаётганлар сафи тўхтовсиз ортиб бораяпти. 58 киши самолётсозлик заводининг донгдор фрезерчиси, СССР Олий Советининг депутати Альбина Девятованинг издошларидир.

Республикамиз донгдор тўқувчилари бошлаган ватанпарварлик ташаббуси асосида ишлаётганлар корхонада 91 кишини ташкил этади. Токарь В. Абдураҳимов, газ пайвандчи Т. Муродов, кабина ясовчи А. Кизимчук, слесарлардан С. Ҳожиматов, В. Мехиев, Б. Равшанов каби ўнлаб меҳнат пешқадамлари ҳозирги вақтда келгуси йил шахсий план топшириқларини бажариш арафасида туришибди. Шу кунларда заводнинг 470 га яқин ишчиси ўз зиммасига оширилган шахсий мажбуриятлар олган ҳолда ҳал қилувчи йил социалистик мусобақасида фаол иштирок этяпти.

Ишлаб чиқариш участкалари ўртасидаги меҳнат беллашувида М. А. Холомейзер бошчилик қилаётган автобус ремонти цехи коллективи пешқадамлик қилаяпти. Бу коллектив йил бошидан буён байроқдорликни қўлдан бермай келаётир.

«Ҳал қилувчи йилнинг қолган ойлари топшириқларини белгиланганидан тўрт кун аввал бажарамиз!» — Завод коллективининг шу кунлардаги барча ишлари ана шу шиор асосида олиб бориляпти.

Т. НАЖМИЙ,
жамоатчи мухбиримиз.

Савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат ва коммунал хўжалик ходимлари! Совет кишиларига хизмат қилиш маданиятини оширингиз, уларнинг талаб эҳтиёжларини тўлароқ ва яхшироқ қондиринг!

(КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан).

Пойтахт бинокорлари — Улуғ Октябрга

БАЙРАМ СОВҒАСИ

Бирлик массивининг Кўркам кўчасида замонавий болалар боғчаси қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Қурилиш майдонида меҳнат қилаётган 6-трест 33-бошқармасининг участка мастери Е. Альбитер бундай деди.

— Нигитлари м и з Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 56 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олмоқдалар. Биз байрамга бажарилиши лозим бўлган барча ишларни барвақт тугаллаб қўйдик. К. Хабиров, А. Иброҳимов бошлиқ бригадалар коллективлари монтаж ишларини тугатиб, пардозлашни бошлаб юбордилар. Чунки, биз вақт тақозо этганда ишни уч сменалаб ташкил қилдик. Улар прораб Л. Қаюмов, Я. Амирхонов, Р. Раҳмонқулов, З. Симонова, Э. Блохина, Н. Пак, Л. Татаренко, Л. Сидорова ва бошқалар смена топшириқларини 120 процентга етказиб бажаряптилар.

280 ўринли бўлган бу болалар боғчаси шу ойда эгаларига топширилади.

Н. ҲОЛИҚОВ.

▲ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЕТИ ИЎЛИДА

ПРОГРЕССИВ УСУЛДА

Тошкент тепловоз ремонти депосида янги цех қурилиши тамомланди. Бу ерда тепловозлар прогрессив усул билан ремонт қилинади. Ҳозир депонинг техника-конструкторлик бўлими коллективи цех учун керакли деталлар тайёрламоқда.

— Илгари ремонтга муҳтож тепловозлар бир томони ёпиқ платформага киргизиларди. Эндиликда биз ремонтнинг конвейер усулини жорий қиламиз,— деди бўлим бошлиғи Ш. Хайриев, —тузатилган тепловозлар платформанинг бошқа томонидан чиқиб кетаверади, ўрнига эса бошқаси қўйилади. Натижада, бир ойда 5 та тепловозни кўп ремонт қилиш имконияти туғилади.

Шунингдек, очиқ ҳолда тепловозларни мойлаш методи ҳам ишлаб чиқилди. Бу ҳам унумдорликни бир неча баравар оширади.

Ремонт цехи фойдаланишга топширилди.



Куни-кеча шаҳримизнинг «Марказ-13» кварталида «Главсредазирсовхозстрой»нинг янги ишлаб чиқариш корпуси фойдаланишга топширилди. Уни «Ташинжстрой» қурилиш бошқармаси қурувчилари бунёд этишди.

СУРАТДА: янги объектнинг кўриниши.

Геологлар муваффақияти

«Самарқандгеология» трестининг, республика Геология министрлиги марказий лабораториясининг, «Ташкентгеология» трести топомаркшейдер партиясининг, Қорақалпоғистон нефть газ разведка қилиш экспедициясидан мастер Н. Суҳонқулов бошлиқ чуқур пармалаш қидирув бригадасининг, «Самарқанд-геология» трести Қизилқум геология-разведка экспедициясидан мастер А. Ш. Минибоев бошлиқ, кон қазиш бригадасининг ва бир қанча бошқа коллективларнинг меҳнатчилари ҳам беш йиллиннинг учинчи, ҳал қилувчи йили топшириқларини бажаришда катта муваффақиятларга эришдилар.

(ЎзТАГ).

Саломатлик, бардамлик гарови

Шу кунларда «Пахтакор» стадиони ГТО комплексини топширувчи йигит-қизлар билан гавжум. Улар орасида ишчилар, қурувчилар, медицина ходимлари, студент ва мактаб ўқувчилари бор. Бу ерда ГТО—саломатлик ва бардамлик гарови эканлигини билдирувчи турли хил шиорлар, стендлар мавжуд.

— Яқинда яна тўртта панно ташкил этдик,— деди стадион ўқув-спорт бўлими мудири С. Ҳоҳлов,— уларда ГТОнинг беш босқичини акс эттирувчи методик кўрсатмалар бор. Шу кунларда бизга янги комплексларни топширишга рухсат сўраб кўп илтимослар тушмоқда.

Яқинда стадионда 11-«Висотстрой», «Узсельхозтехника», «Стройтермон» ойлянция», 2-ЖЭК коллективлари ГТО комплексини муваффақиятли топширдилар.

Б. ПУЛАТОВ.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Ўзбекбирлашув»нинг марказий базасида келгуси йил учун газета ва журналларга обуна бўлиш ишлари яхши йўлга қўйилган.

Ишчи ва хизматчилардан Л. Лукьянова, Г. Мирзамуҳамедова, Р. Афтондилова, А. Мирзамуҳамедов, У. Кенжаев, Н. Гуломова ва бошқалар учтўртталаб газета ва журналларга ёзилдилар. Ҳаммаси бўлиб минг сўмга яқин обуна тўпланди.

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНАДИ

Машинасозлик бўйича Давлат лойиҳа-конструкторлик ва технология бюросида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топган кунинг 50 йиллигига бағишланган лекторий очилди. Лекторий планда «Ўзбекистонда КПСС ленинча миллий сиёсатининг тантанаси», «Ўрта Осиё халқларининг тақдирида буюк рус халқининг роли», «Ўзбекистонда 50 йил давомида фан тараққиёти», ва бошқа темалар бор.

Кеча

Лекторийнинг биринчи машғулоти бўлиб ўтди. Бунда Ўзбекистондаги революцион ҳаракатда иштирок этган ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиси кекса большевиклар бор эди. Шундан сўнг машғулот қатнашчиларига «Ўзбекистон СССР халқларининг қардошлик оиласида» деган мавзуда лекция ўқилди.

Сўз — конгресс қатнашчиларига

Тинчлик иши тантана қилмоқда

Кеча тинчликсевар кучлар Жаҳон конгресснинг бир группа делегатлари тўқимачилик комбинати ва «Таштекстильмаш» заводи меҳнаткашларининг меҳмони бўлишди. Делегатлар шу корхоналарда бўлиб ўтган митинглларда иштирок этдилар, ишлаб чиқариш билан танишдилар. Конгресс қатнашчилари Тошкент шаҳар ижроия комитетида қабул қилиндилар. Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилишлари билан танишдилар.

Мухбиримиз Миср Араб Республикаси Миллий кенгашининг аъзоси ҳуқуқ профессори Аҳмад Мутаҳид билан учрашди ва ундан жаҳон халқларининг энг ваколатли анжумани иш якунлари тўғрисида бир неча оғиз сўз айтишни илтимос қилди.

— Менинг назаримда,— деди А. Мутаҳид,— биз бугун ҳам мазкур конгрессда шу йилдаги бўлиб ўтган барча анжуманларга нисбатан тинчлик тарафдорларининг бирлигига тўлароқ эришилди, деб ҳақли равишда айтишимиз мумкин. Конгрессда турли мамлакатлардан келган жуда кўп делегатларнинг иштирок этганлиги тинчлик ишини, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ишини янада илгари сўриш имконини берди.

Шубҳа йўқки, тинчлик тарафдорларининг ҳаракатида Совет Иттифоқи катта кучни ташкил этади. Шу муносабат билан мен КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев нутқининг бизга кўрсатган улкан таъсири ҳақида гапирмай ўтолмайман. Мен бу нутқнинг конструктив, программ характерда эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. У тинчлик тарафдорлари учун аниқ ҳаракат программасидан иборатдир, бу нутқ кўрсатмиз вазифалари ва мақсадини янада равшанлаштиради. Унда Совет тинчлик программаси билан бутун планетадаги тинчлик тарафдорларининг ҳаракати бамисоли бирлашиб кетгандек туюлади. У— олга томон қўйилган улкан қадам, ана шу программани ҳаётга жорий этиш муддатларини яқинлаштиради.

— Яқин Шарқдаги низони бартараф қилиш ишига, араб халқларининг Исроил агрессиясига қарши одилона курашга ишга Совет Иттифоқининг қўшаётган ҳиссасига сиз қандай баҳо бераси?

— Биринчи навбатда СССРнинг кўп йиллар мобайнида Миср Араб Республикасига кўрсатиб келаётган улкан иқтисодий ёрдами ҳақида тўхталиб ўтишни истардим. Асвон тўғони ана шу ёрдамнинг рамзидир. Сўнгра мен Совет Иттифоқининг сиёсий жаҳада Миср ва кўрсатаётган мадади, Яқин Шарқда мустаҳкам ва адолатли тинчлик ўрнатишга қўшаётган ҳиссасини таъкидламоқчиман. Шу билан бирга, СССР ўзга Исроил агрессиясини бартараф этишда самарали ҳарбий ёрдам кўрсатмоқда. Арабларга бир қарич ҳам ўзгаларнинг ери керак эмас. Шу билан бирга, ўз территориямизни ҳам ҳеч нимага бериш ниятида эмасмиз. Бизнинг Яқин Шарқдаги низонинг ниҳоя топиб, ҳал этилишидан манфаатдормиз. Шунинг учун Биринчи Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг шу йил 22 ва 23 октябрь резолюцияларини тўлатўкис қўллаб-қувватлаймиз. Биз ишонамиз: араб халқларининг ҳаққоний иши галаба қилади.

Шаҳар — қишлоққа

Ғўзани озиқлантиришнинг янги методи

Ўзбекистон селекционерлари кейинги йилларда ғўзанинг бир қатор янги навларини яратиштирдилар. «Тошкент-1», Тошкент-3», «Тошкент-4» навлари эрта пишарлиги, юқори ҳосиллиги ва бошқа афзалликлари билан пахтакорларга манзур бўлмоқда.

Бу янги навлар экилгач, уларни қандай парвариш қилиш лозим? Ўсимликлар биологияси экспериментал илмий-тадқиқот институти олимлари ана шу масала билан шуғулланмоқдалар. Қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари, Т. Пирохунов, М. Мажидов, М. Меҳмонов, биология фанлари кандидати А. Қориев янги навларнинг тузилишини синчиклаб ўрганганларидан кейин, ғўзаларни озуқалантиришнинг янги методини ишлаб чиқдилар. Уларнинг тавсиясига кўра, дастлабки ривожланиш жараёнида ғўзага фосфорли озуқалар бериш керак. Олимлар «Тошкент» навларини озуқалантириш муддатлари ва озуқаларнинг миқдори, шунингдек, парвариш давомида азот ва фосфорли ўғитларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаб чиқдилар.

Яқинда институт олимлари ўзларининг ана шу тавсияномаларини қишлоқ хўжалик ходимларига етказдилар.

МЕХАНИЗАТОРЛАР УЧУН

Калитлар, исканалар, болға — «Ташхимсельмаш» заводи слесарлик-монтаж қилиш асбоблари тўпланган халтача ишлаб чиқара бошлади. Бу асбоблар орасида қишлоқ механизаторига нимани керак бўлса, бирини топилади. Корхона байрам арафасида ўз буюртмачиларига ана шундай наборлардан қирқ минг сўмликдан кўпроқ жўнатди. Завод коллективи Улуғ Октябрнинг 56 йиллиги шарафига зиммасига олган оширилган мажбуриятини муддатидан илгари бажарди.

ПАЗАНДАЛАР ТАРАДДУДИ

Шаҳар умумий овқатланиш бошқармасига қарашли корхоналарнинг коллективлари ўн ойлик топшириққа қўшимча 2 миллион 300 минг сўмлик хизмат бажардилар, ўзлари тайёрлаган маҳсулотлардан 1560 минг сўмлик реализация қилдилар.

Бугун

машинасозлик заводида 150 ўринли ошхона бинои фойдаланишга топширилди. Унда ишчиларга қулайлик яратиш мақсадида кулинария магазини ҳам ишлайди.

2-«Қорақамиш» массивининг 4-микрорайонида кафе-чойхона ишга туширилди. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалик механизациясининг инженерлари институтининг студентлари 250 ўринли ошхонага эга бўлдилар.

Булардан ташқари, Юнусобод массивидаги янги жамоат марказида 200 ўринли кафе, Карл Маркс кўчасидаги маъмурий бинода бешта буфет фойдаланишга топширилди. Байрам арафасида Польшадаги «Магедмебель» фирмасининг ускуналари билан жиҳозланган «Шарқ» ва «Дружба» ресторанларининг эшиклари очилади.

Шаҳар пазандалари байрам кунлари намунали хизмат кўрсатиш мақсадида саноат корхоналаридан 600 та буюртма олишди. Бундан ташқари, турли жойларда 500 та зиёфат ўтказиб берилади. Шу кунларда барча ресторанлар ва ошхоналар қошида 20 га яқин беминнат хизмат бюролари ишлаб турибди.

Чили ҳарбий хунтасининг ~~қонли~~ террорини кескин қоралаётган Германия Демократик Республикасининг ишчилари, хизматчилари, зиёлилари Чили демократлари билан бирдамликларини изҳор қилмоқдалар.

СУРАТДА: Лейпциг тасвирий санъат усталари 200 бадиий асарни аукцион орқали сотиб, Чили ватанпарварларига ёрдам фондига маблағ тўпламоқдалар.

АДН—ТАСС фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

● СОФИЯ. Пловдивда ёшларнинг техника ва илмий ижодиёти олтинчи миллий кўригининг якунловчи босқичи тугади.

Бу ерда ташкил этилган виставка ёш конструкторларнинг маҳорати, техникавий ва амалий билимлари ошганлигидан яққол далолат беради. Бу йилги техника ижодиёти кўригида ўтган йилдагига нисбатан 100,000 киши кўп қатнашди. Болгар ёшлари бу йил 18.000 дан ортиқ ихтиро ва рационализаторлик таклифларини киритишди.

● СТОКГОЛЬМ. Бош министр Ульф Пальме бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида сўзлаб, ҳукуматни қайта тузганлигини хабар қилди. Аввал мудофаа министри лавозимини эгаллаб келган Свен Андерссон янги ташқи ишлар министри бўлади. Мудофаа министри лавозимини Эрик Хольмквист эгаллайди. Шу вақтга қадар у ички ишлар министри эди.

Бир қанча бошқа министрликларнинг раҳбарлигида ҳам ўзгаришлар рўй берди.

У. Пальме ҳукуматнинг қайта тузилиши мамлакатнинг сиёсий йўли ўзгарганлигини билдирмайди, деб таъкидлади.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ахборот ва радиоэшиттириш министри И. К. Гужрал парламентнинг маслаҳат комитети мажлисида нутқ сўзлаб, Ҳиндистон ҳукумати мамлакат штатларининг ҳаёти ва маданияти тўғрисида ҳиноя қилувчи энг яхши фильмлар, радиорепортажлар ва телевизион программалар учун мукофотлар таъсис этганлигини хабар қилди.

Бу қарордан кузатилган мақсад — оммавий ахборот воситалари ёрдамида мамлакатнинг миллий бирлиги ғояларини оммалаштиришдан иборат.

● НАПРОБИ. Кения Исроил билан дипломатия муносабатларини узишга қарор қилганлигини маълум қилди. Эълон қилинган ҳужжат баёнотида айтилдики, «Исроил қурол кучи билан босиб олган араб ерларини оккупация қилиб туришда давом этар экан, Кения у билан дипломатия муносабатларини ўрнатмасликка қарор қилди», дейилади.

Шундан қилиб, Кения Африкада кейинги 19-ўн мобайнида Исроил билан муносабатларини узган 25-мамлакатдир.

● ҚОҲИРА. МЕН агентлигининг хабар беришича, Миср Араб Республикаси Президентининг декретига мувофиқ туризм министри Исмоил Фаҳмий МАР ташқи ишлар министри қилиб тайинланди. Собиқ ташқи ишлар министри М. Аз. Зайёд Миср президенти А. Садатнинг маслаҳатчиси қилиб тайинланган.

(ТАСС).

Партия ташкилоти ва ишлаб чиқариш

ЙИЛЛИК МАЖБУРИЯТ —17 ДЕКАБРГА

Ҳар бир партия ташкилоти ишлаб чиқаришда муҳим роль ўйнаши керак. Цех партия ташкилотлари ва партгруппалар ўз участкаларида белгиланган давлат планлари ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишига эришиш учун коммунистларнинг авангардлик ролини оширишлари, партиясиз ишчиларни ана шу мақсадга сафарбар этишлари керак. Ишчиларнинг меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишлари, улар ижодий ташаббускорликларини ривожлантириш, илғор иш методларини жорий этиш, меҳнат шароити ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашда, голвий-сиёсий тайёргарликларини оширишда партиянинг сиёсий жангчилари бўлишлари керак.

Бу борада республика Енгил саноат министрлигига қарашли 3-тикув фабрикаси партия ташкилоти бирмунча ибратли ишлари амалга оширди ва катта меҳнат ютуқларига эришди. Мадамин Солиев секретарлик қилаётган партия ташкилоти тўртта цех партия ташкилоти ва иккита партгруппадан ташкил топган бўлиб, ўз сафига 134 КПСС аъзоси ва 13 партия аъзолигига кандидатни бирлаштирган. Умумий коммунистлар сонининг 90 процентдан ортиғини ишчилар ташкил этади.

КПСС Марказий Комитети май (1972 йил) Пленумининг «Партия ҳужжатларини алмаштириш тўғрисида»ги ҳамда Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг II Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, фабрика партия ташкилоти ташкилий ва сиёсий ишлар форма ва методларини тобора такомиллаштирмоқда, коллективнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий ҳаётида ҳар томонлама ўз таъсирчанлигини кучайтирмоқда, коммунистларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги, интизомлиликларини ҳамда уларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлик ролини оширмоқда.

Бошлағич партия ташкилотлари ва партбюро коммунистлардан ўз ўрнида фойдаланишга катта эътибор бермоқда. Уларнинг ҳал қилувчи участкаларда бўлиб, партиянинг сиёсий жангчиси ва социалистик мусобақа пешқадами сифатида ҳаракат қилишларига эришмоқда.

Пойтахтнинг илғор ишчилари—авиация заводи фрезерчиси А. Девятова, тўқимачилик комбинати тўқувчилари Л. Казанцева ва Е. Губиналарнинг меҳнат унумдорлигини ошириш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббуслари кенг қулоч ёйдирилди. Партия ва ҳукуматнинг 1973 йилда социалистик мусобақа ғ янада авж олдириш тўғрисидаги қарорига жавобан, беш йиллиннинг учинчи ҳал қилувчи йилини зарбдор меҳнатга нишонлашга аҳд қилган коллектив социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этмоқда. Социалистик мусобақа илғорларининг сони кун сайин кўпайиб боряпти.

М. Жўрабоева, В. Добринина, Ж. Зоҳидова, В. Крамаренко, М. Гизатулина каби ўнлаб чеварлар ҳозир беш йиллиннинг сўнгги йили ва 1974 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Булар меҳнатдагина эмас, балки коллектив ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар.

Ишчиларга коммунистларнинг раҳбарлик қилишлари ишлаб чиқаришда муҳим роль ўйнайди. Тўртта тикув цехи ва бригадаларга Д. Ҳусанов, Р. Ҳаммадова, А. Кузьмина, М. Обидова, Ҳ. Мақсудова каби иш биларман тажрибали коммунистлар раҳбарлик қилмоқдалар. Улар ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этишлари туфайли цех ва бригадалар ҳал қилувчи йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларини шарафли адо этмоқдалар.

Партия бюроси, цех партия ташкилотлари ва партгруппалар ёш коммунистлар сафининг ўсиши ва улар тарбиясига муҳим масала деб қарамоқда. Ҳисобот даврида партия ташкилотининг сафи илғор ишчилар ҳисобига ўн уч кишига кўпайди. Партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинганларнинг қариб 90 процентини илғор комсомол қиз-жувонлар ташкил этади.

Фабрика партбюроси Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг II Пленумида таъкидланганидек, партия ташкилотларининг жанговарлигини янада ошириш учун коммунистлар, айниқса, ёшлар тарбиясини муттасил яхшилаш керак, деган сўзларга амал қилмоқда. Фабрика партия ташкилоти қошида очилган ёш коммунистлар мактаби ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Уч йилдан буён йигирма беш коммунист шуғулланиб келаётган мактабга коммунист А. Каленцова пропагандистлик қилмоқда.

Коммунистларнинг 80 процентдан ортиғига партия топшириқлари берилган. Бу топшириқларнинг қандай бажарилиши цех партия ташкилотлари ва партбюро томонидан назорат қилиб борилади ҳамда коммунистларнинг ҳисоботлари тингланади. Шунингдек, коммунистларнинг ўқуви ва коллективнинг иқтисодий билими ҳам доимо диққат-эътиборда. Партия ўқуви системасига 128 коммунист жалб этилган, 17 коммунист мустақил ўқимоқда.

Коммунистлардан М. Собирова, С. Колосс, М. Турсунхўжаева, Е. Гельпей, М. Эшонхўжаевлар ўзлари тингловчи бўлатуриб, энг яхши сиёсий ахборотчи, агитатор ҳисобландилар. Улар коллектив ўртасида сиёсий-тарбиявий, маданий-оммавий ишлар олиб бориш билан обрў қозонганлар.

Цех партия ташкилотлари ва партгруппаларда олиб борилган ҳисоботсайлов йиғилишларига коммунистлар партия ҳаётидаги сиёсий кампания, деб баҳо бердилар ва уни уюшқоқлик, ўз ўзини таниқид асосида ўтказдилар. Айниқса, 2-тикув цехи партия ташкилоти ва бичиқ цехи партгруппасининг ҳисобот-сайлов йиғилиши голвий-ташкилий жиҳатдан юқори даражада ўтди. Коммунистлар ўз сўзларида ишдаги камчиликларни рўй-рост очиб ташладилар.

Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик ва алмаштириш даврида коммунистлар ана шу тарихий ҳужжат мазмунини қайта-қайта ўргандилар, меҳнат коллективи ўртасида ўзлари қилаётган ишга ва ҳулқ-атворларини, ишлаб чиқариш тақдирини ҳал этишдаги масъулиятларини баҳоладилар.

Фабрика коммунистлари ва меҳнаткашларининг топширилган вазифани масъулиятли ҳис этишлари, фаолликлари ҳамда фидоирона меҳнатлари туфайли, маҳсулот реализация қилиш ўн ойлик плани муддатидан ўн кун олдин адо этилди. Октябрь олди вахтасида турган илғор коллектив байрам арафасида савдо ташкилотларига планга қўшимча тўрт юз эллик минг сўмлиндан зиёд бежирим либослар етказиб берди. Тўқиз ярим минг дона кийимга етадиган 17 минг квадрат метр материаллар тежашга эришилди.

Москвеликлар ташаббуси асосида фабрика коллективи беш йиллиннинг тўртинчи йили учун муқобил план қабул қилди. Бунга кўра, келаси йил маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 22,2 минг донага, ёки 350 минг сўмликка кўпаяди. Давлат «Сифат белгиси» билан чиқадиган буюмлар номи ўн иккитага етади.

КПСС XXIV съезди Директиваларида: «Совет кишиларининг кийимкечак, пойафзал ва енгил саноатнинг бошқа буюмларига бўлган эҳтиёжларини тағин ҳам тўлиқ қондириш мақсадида шу тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 35—40 процент кўпайтирилсин,» дейилган. Муқобил планга асосан, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг беш йиллик Директиваларида кўрсатилган даражага 1974 йилда эришиш мумкин. Яъни, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1970 йилдагига нисбатан беш йиллик рақамларда кўрсатилган 33 процент ўрнига 36 процент кўпаяди. Реконструкция қилинаётган фабрикада янги замонавий тикув, тайёрлов, бичиқ цехлари ишга тушгач, бу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш имкони туғилади.

Ленин, ҳамма ишни ана шу техникаларни бошқарувчи кадрлар ҳал қиладилар. Меҳнат фидоқорларидан ташкил топган фабрика коллективи беш йиллик ҳал қилувчи учинчи йили учун қабул қилган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари — 17 декабрда бажаришга қарор қилди. Чеварларнинг сўзлари қатъий.

А. ОБИДХУЖАЕВ.

Қонун барчага баравар

Октябрь районидаги саноатлашган йирик районлардан бири ҳисобланади. Район меҳнаткашлари умумхалқ социалистик мусобақасида актив қатнашиб, йил сайин янгидан—янги меҳнат зафарларига эришмоқдалар. Бу ерда тўққизинчи беш йиллиннинг 2-йили 9 ойлик план-топшириқлари ва социалистик мажбурият муваффақиятли ҳал этилди. Давлатга пландан ташқари 1 миллион сўмлик кийим-кечак, маданий-хўжалиқ товарлари ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилди. Юз минг сўмлик хом ашё материаллари ва электр энергия иқтисод қилинди. Районда кун сайин коммунистик меҳнат ҳаракатига қўшилувчилар сафи кенгайиб бораяпти. Ихтиёрчилар ва меҳнат новаторлари сони кўпаймоқда. Турар жой, маданий ва маиший қурилишлар суръати кенг авж оляпти. Бунинг боиси райондаги кўпгина саноат корхоналарида ва қурилиш ташкилотларида сўнгги йилларда меҳнат қонунларининг мустаҳкамланиб боришидандир.

Социалистик меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш борасида районда бир мунча амалий ишлар қилинди. Ҳуқуқшунослик билимини ўрганиш университети ташкил этилди. Унда район суд, прокуратура, милиция органлари ходимлари хилма-хил юридик темаларда суҳбатлар ўтказишади, лекция ва доклад-лар тинглашади. Бир қатор саноат корхоналарида эса, жамоатчи кадрлар бўлими ишлаб турибди. У меҳнат қонунларига риоя қилиш тартибини мустаҳкамлаб боришда алоҳида аҳамият касб этаётир.

Лекин, районга қарашли, ҳамма саноат корхоналарида ҳам меҳнат қонунлари кўнгилдагидек риоя қилинаяпти деб бўлмайди. Айрим корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари меҳнат қонунига хилоф равишда иш тутиб келмоқдалар. Улар ишчи ва хизматчиларни иш соатидан ортиқча ишлатиш, дам олиш кунларини иш кунига айлантириш, ускуна ва механизмларни бекор қолдириш ҳоллаларига йўл қўяяптилар.

Меҳнат интизомининг бузилиши қимматга тушаётир. Натижада, кўплаб иш соатлари йўқотилмоқда. Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида район саноат корхоналарида ва қурилиш ташкилотларида 17227 ишчи кунининг қолдирилганлиги фикримизнинг далилидир.

Бир мисол. «Жилстрой» трестида (бошқарувчиси шаҳар Советининг депутати Л. Тойирова) ўтган хўжалик йилида 8094 иш кунн бекор қолдирилди. Трестда 317 минг 300 сўмлик наряд ишлари бажарилмай қолди. Бу фактлар трест раҳбарлари учун аччиқ сабоқ бўлиши керак эди. Афсуски, бундан тўла хулоса чиқарилмади. Натижада, 1973 йилнинг 6 ойи мобайнида ишчи ва хизматчилар яна 5257 соат ортиқча ишлатилди. Бундай ҳолни кўн галантереяси фабрикасида ҳам учратиш мумкин.

Меҳнат интизомининг мустаҳкамланиши, етарли иш шароитининг, яратилиши моддий ва маънавий стимулларни такомиллаштириш ва меҳнат унумдорлигини ортдириш имконини беради.

Буни ҳеҳқачон унутмаслигимиз керак.

Узбекистон ССР Меҳнат қонунлари кодексининг 66-моддасига биноан ишчи ва хизматчиларни иш кунидан ташқари меҳнатга жалб қилиш мумкин эмас. Маълумки, зарурият туғилган пайтдагина, корхона маҳаллий комитетларининг рухсати билан ишчи ва хизматчиларни иш кунидан ташқари меҳнатга жалб этиш мумкин. Лекин, бундай вақтларда ишчиларнинг меҳнатларига қўшимча ҳақ тўланади.

Районга қарашли ойнон тайёрлаш комбинатини олиб кўрайлик. Бу ерда (директори район Советининг депутати ўртоқ Муҳаммадхонов) ишчиларнинг иш соатларидан ташқари меҳнатга жалб этиш қоллари йил сайин ортиб бораяпти. Бундай фактларни 3-ном заводи (директори ўртоқ Муротов). Тошкент ўйинчоқлар фабрикасида ҳам учратиш мумкин. Бунинг устига юқоридаги корхоналар маъмурияти иш соатидан ташқари ишлаган меҳнатчиларга ҳақ тўламаганлар. Бир мисол, 3-ном заводи, ишчилари Т. Мажидова ва Ниёзовларнинг иш кунидан ташқари меҳнат қилган 165 дан 202 соатлари учун бирор сўм ҳақ тўланмаган. 3-ном заводи маъмурияти маҳаллий комитетининг розилигисиз ишчиларни меҳнат отпускалари тугамасдан туриб ишга чақириб олади. Токарь Чебикин, электромонтёр Жўраев, мастер Еқубовлар ана шулар жумласидандир.

Меҳнат қонунининг бузилишини райондаги соғлиқни сақлаш ва бошқа маъмурий идораларда ҳам учратиш мумкин. Масалан, 16-шаҳар болалар поликлиникаси (бош врачи Исаев) маъмурияти шифохона педиатори Олимовани асоссиз ишдан бўшатган. Узбекистон ССР Маданият министрлигига қарашли лойиҳалаш бюросида (бошлиғи Осипянц) эса чизмачи Дубронинага нисбатан «прогул қилдинг» қабилида иш тутилиб, ишдан бўшатилган. Ҳар иккала ноҳақ ишдан бўшатилганлар суд органларига мурожаат қилишди. Уларнинг аралашуви билан юқоридаги қонунбузарларнинг буйруқлари пучга чиқди. Олимова ва Дубронинолар ўз иш жойларида қолдилар. Уларнинг бекор юрган вақтлари учун тўлиқ маош берилди. Бу пуллар эса ноҳақ раҳбарлар ҳисобидан ундириб олинди. Бундай мисолларни районнинг кўпгина корхоналари, қурилиш ташкилотлари ҳамда маъмурий идораларда учратиш мумкин.

Қонун барчага баравар. Унга ҳар бир киши — у ўзи эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар риоя қилиши шарт. Давр биздан шуни тақозо этади.

С. ТУРДИЕВ.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) трикотаж фирмаси биринчи филиали цех мастери Р. Михайлова ва тикувчи Ж. Абдуллаева. Бу икки ишлаб чиқариш илғори беш йиллиннинг ҳал қилувчи учинчи йилида катта ғайрат билан меҳнат қилиб, коллектив ўз зиммасига олган топшириқларни муваффақият билан бажарилишига муносиб ҳисса қўшяяптилар.

Г. Эгамбердиева фотоси.

ТОШКЕНТЛИКЛАР БУЮРТМАСИ БИЛАН

Бурчмулла ўрмон хўжалигининг банкдаги ҳисобига 21 минг сўмдан ортиқ фойда тушди. Бу фойдани ўрмон дорихонаси берди. Ўрмончилар тоғларда 277 тонна термопсис, унгерии виктори доривор ўтлари тайёрлашди. Тошкент пиво заводининг буюртмасига биноан хушбўй алкаголсиз ичимлик тайёрлаш учун уч тонна жамбил тўпланди. Хозир ўрмончилар зирк ва наъматак меваси териб олишмоқда.

Газетхон билан суҳбат

„Тошкент оқшоми"— 1974 йилда

Ҳар куни «Тошкент оқшоми» ўн мингдаб нусҳада нашр этилиб, обуначиларга ва «Союзпечать» дўконларига етказилади. Редакция адресига ҳар куни ўнлаб мактублар келиб туради. Журналистлар уларни синчиклаб ўқишади, айримларини алоқадор ташкилотларга текшириш ва маълум бир чора кўриш учун юборишади. Кўпчилик хатлар газета саҳифаларида ёритилади, мақолалар тайёрлашда, фельетон ва обзор материалларда улардан фойдаланилади.

Баъзи газетхонлар телефон орқали редакцияга мурожаат этиб, янгиликларни хабар қиладилар, маслаҳат сўрайдилар, янги-янги таклифларни ўртага ташлайдилар, бирон бир қизиқ воқеа содир бўлган жойнинг адресини маълум қиладилар, камчиликларга муросасиз бўлиб, бонг урадилар. Ҳар куни ўнлаб газетхонлар редакцияга ташриф буюрадилар. Ўз навбатида, редакция ходимлари кўпинча ўзларининг иш куларини жойларда — турли объектларда, фабрика ва заводларда, қурилишларда, олий ўқув юртларида, лойиҳалаш бюролари ва бошқа муассасаларда бошлайдилар.

Газета ва газетхон ўртасидаги бундай бевосита алоқа ҳар куни узлуксиз давом этиб келади. Чунки, газета газетхон учун чоп этилади. Газета газетхон ёрдамида унинг, маслаҳатлари, хатлари, таклиф ва танқидлари, аҳтиёжлари билан яшайди.

Партия матбуот ходимларини газетхон билан мустаҳкам ва доимий алоқа ўрнатишга даъват этиб келмоқда. Меҳнаткашларни беш йиллик топшириқларини муваффақият билан бажаришга сафарбар этишда газетанинг таъсир кучи ғоят каттадир.

Куз —қилинган ишларга якун ясайдиган фаслдир. Йилнинг охиригача ҳали икки ой борлигига қарамай, биз, ҳурматли газетхонлар ўз ишимизга дастлабки якунлар ясаб, янги йил режаларимизни чамалаб чиқмоқчимиз.

1974 йил республикамиз меҳнаткашлари ҳаётида юбилей йилидир. Узбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллик тўйи нишонланадиган йил. Биз совет ҳокимияти йилларида республикамиз ҳаётида содир бўлган улкан воқеаларга биринчи даражали эътибор бериб, мамлакатимиз қардош халқлари ёрдамида гуллаб-яшнаган ўлкамиз ҳақида қизиқарли материаллар ёритиб борамиз. Мавжуд рубрикаларга яна янги-янги рубрикалар қўшилади. Чунончи, «Юбилей объектларида» янги рубрикаси остида Тошкент биноқорлар республика юбилейига қандай туҳфалар тайёрлаётганликлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Газета саҳифаларида, одатдагидек, меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялашга, шаҳардаги саноат корхоналари ва қурилишлар, илмий муассасалар, олий ўқув юртлари, мактаблар, маиший хизмат корхоналари фаолиятига кенг ўрин берилади.

КПСС XXIV съезди тарихий қарорлари ҳар биримиз учун дастуруламалдир. Шунинг учун, газета саҳифаларида илмий-техника тараққиёти суръатлари, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш бошқаришда янги методлардан самарали фойдаланиш каби масалаларга алоҳида эътибор берилади. Ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда муҳим омиллардан бири саналган социалистик мусобақани пропаганда қилиш ва кенг авж олдириш масалалари газетанинг диққат марказида туради. «Менинг беш йиллигим», «Беш йиллиқни тўрт йилда бажарамиз», «Илғорлар тажрибаси — оммага» ва шу каби рубрикалар остида газета саҳифаларида раиг-баранг материаллар бериб борилади.

«Оқшом» саҳифаларида шаҳар партия ташкилоти фаолиятига оид материалларга жуда кенг ўрин берилади. КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқуви ва иқтисодий таълими тўғрисида» қарори чиққандан сўнг, газета бу тарихий ҳужжатда қайд этилган масалаларни ҳамиша диққат-эътиборда тутиб, бу қарорни амалга оширишга қаратилган материаллар бериб бораётир. Кадрларни ғоявий жиҳатдан ниниқтиришга, назарияни амалий иш билан маҳкам боғлашга, кадрлар ўқуви таъсирчанлигини оширишга, сиёсий ўқувнинг коллектив аъзолари меҳнат активлиги ва сиёсий ўсишига кўрсатаётган таъсири масалаларига айниқса кенг эътибор берилмоқда. Бу мавзуга бундан кейин ҳам кенг эътибор берилади. Шу билан бирга, кечки марксизм-ленинизм университети, иқтисодий таълим бўйича назарий ва проблема-тик семинарлар фаолиятига оид янги рубрикалар ташкил қилинади.

Партия турмуши масалаларини ёритишда коммунистнинг ишлаб чиқаришдаги ўрни, унинг беш йиллик планларини бажариш учун курашдаги етакчи роли, коммунистнинг юксак маънавий қиёфаси каби масалалар газетанинг бош линияси бўлиб қолади. Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига янада кенгроқ ўрин берилади. Барча партия ходимлари минбари вазифасини ўтовчи янги рубрика очилади.

Ишчи коллективлари ҳаёти газета саҳифаларида мунтазам ўз аксини топади. «Директор қабулхонасида» деб номланган рубрикамиз газетхонлар диққатини дарҳол ўзига жалб этса керак деб ўйлаймиз. Бу рубрика остида корхона раҳбарларининг ишлаб чиқаришдаги фаолияти билан бирга, бир қатор маънавий-ахлоқий мавзудаги масалалар ҳам ўртага ташланади...

Депутатларни бизда халқ хизматкори деб аташади. У узига юклатилган масъулиятли вазифани қандай оқлаяпти? Ўзи сайланган Советлар фаолиятида қандай иштирок этаяпти? Шаҳримиз янада қуркам ва гўзал бўлиши учун у нима ишлар қилаяпти? Мана шу ва бошқа мавзулардаги қатор материаллар «Депутат — халқ хизматкори» рубрикаси остида берилади.

Келгуси йилда редакция ўзининг анъанавий ҳисобланган «Саломатлик ҳақида суҳбатлар», «Шаҳримиз сўлим ва қуркам бўлсин», «Адабиёт ва санъат», «ХХ аср овози», «Аёллар сизлар учун», «Спорт янгиликлари», «Фотопанорама», «Газетхон билан суҳбат», «Саксонота шаҳар кезади» каби рубрика ва саҳифаларида ранг-баранг материаллар беришда давом этади. Одатдагидек, биз ички ишлар органлари фаолиятига кенг ўрин берамиз. «Харидорлар клуби» ҳам уз ишини давом эттиради. Бу клубнинг асосий вазифаси аввалгидек, кенг истеъмол моллари сифатини яхшилаш учун курашдан иборат бўлиб қолади.

Газетхонга маъқул бўлган рубрикалар мавзуини янада кенгайтириб боришни мўлжаллаяпмиз. Айниқса, аҳлоқ ва одоб мавзуидаги материаллар мунтазам ёритиб борилади.

Қадрли дўстлар! Сизларни «Тошкент оқшоми» газетасининг 1974 йил режалари билан қисқача таништириб ўтдик. Редакция очишни мўлжаллаётган янги рубрикалар ҳақида сизнинг фикрингизни ҳам билмоқчи эдик. Сиз Узбекистон ССР ва республика Компартияси юбилейи муносабати билан газетамиз саҳифаларида қандай материалларни ўқишни хоҳлардингиз? Сизнинг назарингизда «Тошкент оқшоми» газетаси ишлаб чиқариш ва социалистик мусобақага оид масалаларни қай тарзда ёритаяпти? Шаҳримиз ҳаёти ҳақидаги хабарлар сизни қониқтираяптими?

Биз газетамизнинг навбатдаги сонини олаётган обуначиларимиздан шу ҳақда жавоб ёзиб юборишларини илтимос қиламиз. (Жавоб ўтида сизга хизмат кўрсатаётган мазкур райондаги почта бўлимининг индексини ёзиб юборишингизни сўраймиз).

Сизнинг таклифларингиз истак ва мулоҳазаларингиз бизнинг ишимизга кўмак беради. Сизнинг мактубларингизни сабрсизлик билан кутар экамиз, сиз, ҳурматли газетхонларни оддий ўзига хос редакцион «летучка»мизга актив иштирок этишга таклиф этамиз. Бизнинг адрес: Тошкент ГСП, Джерзинский кўчаси, 15.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Олмаотада сўзлаган нутқида матбуот ходимлари кундалик воқеаларга ҳозиржавоб бўлишлари зарурлиги, партия сиёсатини меҳнаткаш оммага чуқур ва тушунарли қилиб етказишга, алоҳида эътибор беришлари лозимлигини ўқдириб ўтган эди. Бу талабларда редакциямиз фаолиятининг программаси ва аксини топган. Бу эзиг муҳим вазифаларни «Тошкент оқшоми» коллективи сиз, азиз газетхонларимизнинг бевосита ёрдами билан ҳал этади.

«Тошкент оқшоми» газетасига обуна қилиш барча алоқа бўлимларида чекланмаган тартиода давом этаётганлигини сизларга эслатиб ўтамиз. Газетамизни 1 январдан бошлаб олмоқчи бўлсангиз, шу йилнинг 25 ноябригача обуна бўлиш зарурлигини унутманг. Агар шу муддатдан кейин обуна бўлсангиз, газетамизни 1 февралдангина ола бошлашингиз мумкин. «Тошкент оқшоми»нинг йиллик обуна баҳоси — 6 сўм.

Дўстлик порти

Гвинея пойтахти Конакрининг порти жуда жўшқин ҳаёт билан яшаяпти. Бу ерга ҳар куни дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг кемалари киради. Бу портда Германия Демократик Республикасидан, Польша, Руминия ҳамда Кубадан келган кемаларни ҳамиша кўриш мумкин. Лекин бу ерда айниқса совет кемалари тез-тез меҳмон бўлиб туради. Буни ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар тинмай мустаҳкамланиб бораяпти.

Совет юкларининг кўп қисми ҳозир «Боксситстрой» — ОБК адреси бўйича кетаяпти. Гвинея тарихида биринчи миллий боксит қазиб олувчи комплекс мана шундай деб аталади. Бу корхона Совет Иттифоқи ва Гвинеянинг ҳамкорлигида қуриляпти. У кон, турар жой посёлкаси, темир йўл, қайта жиҳозланган юк причалидан иборат. Яқин вақт ичида Дебелдаги кондан қазиб олинган Гвинея бокситлари дунёнинг турли мамлакатларига жўнатила бошлайди. Бу ёш мустақил давлатнинг кон саноатидаги миллий тенденция янада мустаҳкамлайди, ва анчагина даромад келтиради.

Сўнгги уч ой мобайнида қуруқ юк ташувчи совет кемаси «Пётр Красиков» Конакрига икки марта рейс қилди. Бу Польшадаги Шчецин шаҳридаги верфларда яқинда қурилган замонавий кемадир.

— Бизнинг Конакрига келишимиз, —дейди мухбиримиз билан суҳбатда кема капитани И. Макеров, —Гвинея халқининг миллий байрами — мустақилликка эришилган кунининг 15 йиллигига тўғри келди.

Биз янги темир йўл қурилиши учун юклар, ёнилғи ташиш учун цистерналар, кон учун турли жиҳозлар, шунингдек тропик иқлим шароитида ўзини яхши кўрсатган 10 тоннали самосваллар —совет «Белаз»ларининг катта партиясини олиб келдик. Бизнинг экипажимиз Гвинеянинг боксит қазиб олувчи комплекси қурилишига арзимас ҳисса қўшганлиги билан фахрланади.

—Конакридан жўнаб биз Нигерия пойтахтига борамиз, — дейди сўзининг охирида И. Макеров. Лагосга цемент, кранлар, экскаваторлар ва «Жигули» енгил автомашинасининг катта партиясини олиб борамиз. Яқинда Нигерияда бўлган автомобиль мусобақасида голиб чиққан совет автомобилларининг Ғарбий Африкада бозори чаққон. Улар Ғарбдаги «Пежо», «Фольксваген», «Форд» каби таниқли фирмалар билан жиддий рақобат қиляпти. Биз совет денгизчилари мамлакатимиз ва мустақил Африка давлатлари ўртасида мустаҳкамланиб бораётган ўзаро фойдали ҳамкорликнинг гувоҳи бўляпмиз.

Вс. Шишковский, АПН мухбири. Конакри.

Славянянинг Стропков шаҳридаги алоқа техникаси ишлаб чиқариш заводи (ЧССР ва чет эл-ларда кенг шуҳрат қозонган. Завод келгуси йил бошидан тўла равишда телефон аппаратлари ишлаб чиқаришга ўтади ва мамлакатда бу маҳсулотни ишлаб чиқарадиган ягона корхона бўлиб қолади. Бу ерда янги хил телефон аппаратлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

СУРАТДА: оператор Мария Скутнова телефонларнинг ишлашини текширмоқда.

ЧТК—ТАСС фотоси.

БМТ БОШ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Бугун БМТ Бош комитети «Хавфсизлик кенгашининг 340-резолюциясига мувофиқ тузилган БМТ фавқулодда кучларини маблағ билан таъминлаш» деган моддани XXVIII сессиянинг кун тартибига киритишни БМТ Бош ассамблеясига тавсия қилиш ҳақида якдиллик билан қарор чиқарди. Бу масалани Бош ассамблея кун тартибига киритишни шубҳа остига қолдирган битта делегат, у ҳам Хитой Халқ Республикасининг вакили бўлди.

Республика ҳукуматининг чоралари

ҚОБУЛ. Афғонистон Республика ҳукумати мамлакатнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш ва халқ турмуши даражасини кўтариш мақсадларида амалий чоралар кўрмоқда.

Кейинги вақтларда бу ерда эълон қилинган бир қанча фармонларга мувофиқ энг зарур маҳсулотлар шу жумладан нон нархи пасайтирилган. Ишчилар учун иш ҳақи минимуми белгиланган, иш ҳафтасининг давомати тартибга солинган.

Катта ёшдаги аҳоли орасида саводсизликка қарши кураш мақсадларида мамлакатда шу социал иллатни тугатиш билан шуғулланувчи миллий бошқарма тузилган.

Ҳукумат подшо режимидан мерос эски маъмурий аппаратни қайта тузишга каттагина эътибор бермоқда. Коррупция ва порахўрликка қарши қатъий кураш олиб борилмоқда. Давлат муассасаларидаги ишларга маланали ёш кадрлар тобора кўпроқ жалб қилинмоқда. Шу муносабат билан «Ал-Жумҳурия» газетаси мамлакат зиёлилари ва ватанпарвар кучларини янги қаёт қуриш ишида ўз ҳиссаларини қўшишга даъват этди. (ТАСС).

Изланишлар, кашфиётлар

Коррозиядан „ихоталовчи"

ФАРҒОНА. (УзТАГ). Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида олинган янги актив модда газ-нефть нони машина-ускуналарини коррозиядан пухта ҳимоялай оладиган модда бўлиб чиқди. У мой тозалаш чиқиндиларидан ишлаб чиқарилляпти. Узбекистон Фанлар академияси химия институтининг олимлари корхона мутахассислари билан ҳамдўстликда актив модда олиш технологиясини ишлаб чиқдилар.

Ишлаб чиқариш синовларининг кўрсатишича, пармаловчи ускуналар юзига шу модда юпқа қилиб суртилса уни сероводород ва кислота коррозиясидан қариб тамомила ихоталайди. Газ қувурлари ва водопровод қувурларига, сантехника ускуналарига ҳам шундай ихота қатлами суртиш мумкин. Ундан асфальт-бетон қоришмаларида қовуштирувчи модда сифатида, саралаш фабрикаларида эса интенсификатор модда сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг устига ушбу модда арзонга тушади.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Якдиллик билан маъқулланди

ПРАГА. (ТАСС). Бу ерда ЧССР федерал мажлиси ҳозир халқ палатаси билан миллатлар палатасининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Ҳар иккала палата депутатлари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини, ЧССР билан МХР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани, шунингдек, Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар бирлашган қуролли кучлари бошқармалари штабларининг ва бошқа органларининг ҳуқуқий қобилияти, имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги шартномани якдиллик билан маъқуллашдилар.

ЧССР Ташқи ишлар министри Б. Хнаупек мажлисда сўзга чиқиб, жумладан, Варшава шартномаси ҳарбий нуқтаи назардан ҳам, шунингдек сиёсий нуқтаи назаридан ҳам социалистик мамлакатлар бирлиги ва кучини мустаҳкамлашнинг энг муҳим воситаларидан бири эканлигини айтди.

2 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

3 НОЯБРЬ, 1973 й.

ШАНБА ОҚШОМИ

Өз-өз ўйганиб доно бўлиб...

★ Ҳақиқат ва тўғриликни севгувчи одам доимо виждонининг фармонига итоат қилишдан юз ўгирмайди ва унинг виждонига ҳеч ким ҳоким бўла олмайди.

★ Виждон — ақлнинг қон томири, бу томир ўзининг ўриши билан ҳар вақт яхши ва ёмондан бизни хабардор этиб туради.

★ Мағрурлик ва бепарволиқдан кўра эҳтиёткорона ҳаракат қилиш инсонга зўр фойда бахш этади.

★ Маъносиз, пойма-пой сўзлашга моҳир бўлишдан кўра сукут қилишни билиш нодир фазилатдир.

★ Ҳар бир бўлар-бўлмағур нарсага таажжубланавериш жоҳиллик белгисидир.

★ Бир донишманддан: «Одамлар сўзлари ва ишлари жиҳатидан неча туркумга бўлинадилар?» деб сўрадилар.

Донишманд шундай жавоб берди:

— Бу жиҳатдан одамлар тўрт туркумга бўлинадилар. Биринчи туркумдагилар: бир ишни қилишга сўз берадилар ва сўзларининг устидан чиқадилар. Бу — гўзал сифатли одамлар одати. Иккинчи туркумдагилар: сўз бермайдилар, лекин индамасдан юриб, ишларини кўнгилдагидек дўндирадилар. Бу — жувонмардлар одати. Учинчи туркумдагилар: оғизни кўпиртириб сўзлайдилар, ваъда берадилар, аммо амалда ҳеч бир иш кўрсатмайдилар. Бу — мунофиқлар шеваси ва ҳийлакорлар ишидир. Тўртинчи туркумдагилар сўз ҳам бермайдилар ва ҳеч бир иш ҳам кўрсатмайдилар. Бу ҳасис ва пасткашлар одамлар хислати.

* * *

★ Ҳасад — энг ёмон хислатлардан бири, ру иллат хўлу-қуруқни баробар ёндирадиган оловдир. Ҳасад иллатига мубтало бўлган одам бошқаларнинг бахт-саодат ва шодликларини кўролмай, ғамгин бўлиб юради, уларнинг роҳати уни азоба дучор этади. Ҳасадчи, ҳатто ўзига бошқаларнинг яхшилик қилишларини ҳам истамайди. Бунга бир мисол:

Ривоят этишларича, уч киши бир-бирлари билан топишиб, бошқа бир шаҳарга сафар қилдилар. Йўлда сафардошларнинг ёши улуғроғи ўз ҳамроҳларининг биридан:

— Сиз нима учун ўз уйингизни ташлаб, сафарни ҳавас қилдингиз, нега ватан роҳатидан кечиб, сафар меҳнатини ихтиёр этдингиз,— деб сўраган эди, ҳамроҳи деди:

— Мен турган жойдаги одамларнинг роҳатда яшаётганларини, бир-бирларига қилган ҳайр-эҳсонлари ва ёрдамларини кўролмай, ҳасаддан ичим ёнарди. Бошқа шаҳарга бориб, бир неча кун роҳатланиб қайтиш ниятим билан сафарга чиқдим.

Бошқа икки ҳамроҳ ҳам шу фикр билан сафар қилганларини айтдилар.

Бу уч ҳасадчи чўлу-биёбонларни кезиб борардилар. Йўлда бир ҳамён олтин топиб олдилар. Ўзаро кенгашиб, олтинларни баробар тақсим қилиб олиб, уйларига қайтмоқчи бўлдилар. Лекин буларнинг ҳасад томирлари ҳаракатга келди, бириси иккинчисининг олтин олишига рози бўлмади. Улар бир кеча-кундуз жанжаллашиб, бирор натижа чиқара олмадилар!

Эртаси кун эрталаб ўз хизматчилари билан ўтиб кетаётган шаҳар ҳокими буларнинг ёнига етиб келиб, жанжалларининг сабабини сўради. Ҳасадчиларнинг ёши улуғи ҳокимга бутун воқеани баён қилгандан кейин айтди:

— Олтинларни тенг баробар тақсим қилиб олишга рози бўлсак ҳам, ҳасадимиз бунга йўл қўймайди. Энди сиз тақсим қилиб беринг, ҳар қайсимиз ўз қисмамизни олиб, уйимизга кетайлик. Бирга ҳамроҳ бўлиб кетсак, яна гаво кўтарамиз.

Ҳоким таажжуб қилиб:

— Ҳар қайсингиз ўз ҳасадингизнинг қайси даражада эканини сўзлаб беринг, мен ҳасадингиз меъёрига қараб олтинларни тақсим қилиб бераман,— деди.

Ҳасадчилар рози бўлдилар. Улардан бириси айтди:

— Бировга бирор нарса беришни, хайр-эҳсон қилишни асло истамайман, чунки у киши менинг берган нарсамдан хурсанд бўлиши аниқ, унинг хурсанд бўлишини кўролмайман, ҳасад қиламан.

Иккинчи ҳасадчи айтди:

— Сен яхши киши экансан, ҳасаддан бахранг йўқ экан. Мен эса бирор бировга эҳсон қилиб бирор нарса берса, шуни кўролмайман.

Учинчи ҳасадчи айтди:

— Икковингиз ҳам ҳасаддан бебаҳра, бенасиб экансиз, ҳасадчи деб мени айтса бўлади. Биров бошқа кишига эмас, ҳатто менинг ўзимга бирор нарса эҳсон қилса, шуни кўролмай ҳасад қиламан.

Ҳоким уларнинг сўзларидан ҳайрон бўлиб айтди:

— Ҳасадларингизнинг даражасини англадим, энди бу олтинлар сизларга ҳаромдир. Ҳасадларингизнинг меъёрига қараб сизларни бошқача мукофотламоқчиман. Ўзи бировга эҳсон қилишни кўролмаган биринчи ҳасадчини обу-озиқ бермасдан чўл-биёбонга ҳайдаб юборамиз. Иккинчи ҳасадчи, биров бировга эҳсон қилса кўролмас экан, уни тезроқ бу дунёдан жўнатиб, ҳасад азоб-уқубатидан бечорани қутқазамиз. Учинчи ҳасадчи, ҳатто ўзига ҳам эҳсон қилишишни тиламас экан, бу ҳасадчини турли азоб-уқубатга сазовор қилиб, кўп вақт қийноқ овқатини едириб ў дунёга сафар қилдирамиз.

Ҳоким ҳасадчиларга бериладиган жазо мукофотларини тайин қилгандан кейин, биринчи ҳасадчининг қийимларини ечиб олиб, сув ва озиқ-овқат бермай чўл-биёбонга ҳайдаб юбордилар.

Иккинчи ҳасадчининг дарров бошини кесиб, уни ҳасад аламидан қутқаздилар. Учинчи ҳасадчини баданига заҳар суртиб, жазирама офтобга қўйдилар, у фарёд-фиғонлар қила-қила ҳалок бўлди.

Шундай қилиб, уч ҳасадчи ҳасад шумлигидан ҳалокатга эришди.

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

ФИН МАҚОЛЛАРИ

- Бир ишнинг охири — иккинчисининг боши.
- Бекорчининг байрами кўп.
- Ваъда оғиз йиртмайди.
- Буйруқ берувчи чарчамайди.
- Денгизда қорайиб кўринган ҳар нарса тюлен эмас.
- Ой ухласа — денгизчи бедор.
- Байрамнинг қизиғи —арафа.
- Ёшлик бир марта, ғўдаклик икки марта келади.

М. САЪДИНОВ тўплаган.

● *Кекса юрак мавжлари*

Аёлман, онаман

Орзуман, умидман, ширин хаёлман,
Жаҳонга ёруғлик берган аёлман.
Одамни яратган Момо Ҳавоман,
Ҳаёт қўшиғида ажиб навоман.
Ваъдаман, вафоман, жон офатиман,
Фарзандлар қувончи, жон роҳатиман.
Менинг қўлимдадир жаҳон — беланчак,
Муштипар онаман, сулув келинчак.
Менинг жамолимдан олам мунаввар,
Менинг камолимдан улғаймиш башар.
Аёлман, кўнглимдир беғубор осмон,
Қалбим теранлиги мисоли уммон...
Шоирлар шеърида доим талашман,
Иболи, вафодор аёл — маҳвашман.
Эзгулик тимсоли, офтоб мисоли,
Онаман — фарзандимнинг бахту-иқболи.
Асли шоираман: менинг ғазалим,
Бешигимнг устида янграр, гўзалим!
Оламни тебратган қанча ўғлонлар,
Алпомиш келбатли марди-майдонлар.
Бешигимнг кўтарган оддий аёлман,
Фирокман, ҳижронман, ширин висолман.
Жаҳонга энг олий тортиқ, эҳсонман,
Ҳаёт гулзорида оддий боғбонман.
Бу ёруғ оламнинг мангу тожиман,
Бу ёруғ оламнинг бахт, ривожиман.
Гулбегим, Нодира кўрмаган ҳурмат,
Менга насиб бўлди буюк мурувват.
Олам жамолига тик боқа олдим.
Юракда аланга — ўт ёқа олдим.
Қўлимга олдим мен бахтим созини,
Қўшиққа солдим мен юрак розини
Фарзандлар камолин, бахтим ўйладим,
Маврур аёлларнинг ахдин қуйладим.
Қафасдан қутулган эркин бир қушман,
Лаззатли ҳаётман, ширин турмушман,
Қаҳрамон онаман, оддий чеварман,
Пахтазор қўйнида меҳнатсеварман.
Оила таянчи — эрга тиргакман,
Ҳаёт ташвишида доим сергакман.
Майли, кўчадаги оддий фаррошман,
Эркини қўлига олган қуёшман.
Орзуман, умидман, ширин хаёлман.
Орзуси рўёбга чиққан аёлман.
Онаман, бахтлиман, Момо Ҳавоман
Ҳаёт қўшиғида ажиб навоман.

СОКИНА,
кўп болали она.

МАСЛАҲАТЛАРИМИЗ

- Дарз кетган тухум пишириладиганда оқиб кетмасин учун намакобда қайнатиш зарур.
- Тухумни шарақлатиб қайнатсангиз, оқи хатала, сариғи қаттиқ бўлиб пишади, аксинча, милтиратиб қайнатсангиз, оқи қаттиқ, сариғи эса хатала бўлади. Шунинг учун тухум ҳамма вақт ўртача оловда қайнатилади.
- Икки-уч йил ва бундан ҳам кўпроқ сақланган ёнғоқ ўта қуриб кетиб, мағзи анча бемаза бўлиб қолади. Ёнғоқнинг дарахтдан янги қоқиб олингандаги мазасини тиклаш учун 5—6 кун намакобга ботириб қўйинг. Сув пўчоқ тешикчаларидан ичкарига сингиб мағзининг мазасини ростлайди ва пуч бўлиб қолганларини анча бўртиради.

● Ноз-неъматлар

Ўзбекистон мевалари

Ўзбекистонимиз д а субтропик ўсимликлар асосан Денов шаҳрининг Юқори Сурхон, Товоқсой территориясида ривожланган. Бу ерда 1935 йили илмий-текшириш станцияси барпо этилганди. Сурхон Товоқсойи шимолда 3500—4600 метр баландликда Ҳисор тоғлари билан ўралган, бу ерга совуқ ҳаво оқимлари деярли етиб келмайди. Бу массивда субтропик ўсимликларни: шакарқамиш, ингичка толали пахта, апельсин, лимон ва бошқаларни етиштириш мақсадга мувофиқдир.

Айниқса, шакарқамиш Сурхондарё водийси иқлимига мослашган. У жуда қизиқ характерга эга, чунки бу ўсимликни Денов-дан 30—40 километр шимолда эмса ўсмайди, чунки бу ерда ёғин етарли — 360 миллиметр, қиш совуқ ва баҳор кеч келади, жанубда эса, унинг тескариси — қиш илиқ, баҳор ўз вақтида келади — лекин ёғин етмайди (120 миллиметр) шунинг учун, у бу ерда ҳам ўсмайди. У фақат Денов атрофида ўсиб, ҳосил беради.

Эзгирги вақтда шакарқамиш Денов шаҳар атрофидаги ўприк плантацияларда ўстирилмоқда. Шакарқамишни экиш учун уннинг пояси бўлак-бўлак қилиб эгатга қўйиб чиқилади, униб чиқандан кейин тез-тез сув берилади.

Шакарқамишнинг бўйи 4 метр, поясида 12 бўғин бўлади. Уннинг поясида 8—12 процент шакар бор. Ундан хушбуй ва мазали ичимлик—ром тайёрланади. Етиштирилган хом ашё Денов шаҳридаги ром заводига тушади, бу завод СССРда яккаю-ягона ҳисобланади. Бу станцияда совет селекционерлари томонидан «Ўзбекистон» ва «Совет қамишн» навлари етиштирилди. Улар ҳозирги вақтда ҳар гектардан 1000 центнер ҳосил бермоқда.

Денов субтропик станциясида СССР ва чет мамлакатлардан келтирилган янги ўсимлик навлари, уруғлари ўстирилади ва уларнинг шу ер табиатига мослашиши ва яшаш шароитлари ўрганилади.

Юқори Товоқсой массиви атрофидаги 1800 метр баландликдаги бир неча юз гектар ерга анжир, хурмо каби дарахтлар экилган.

Бу ўсимликларнинг ёвойи навлари Сурхонтоғга яқин ерларда кўп учрайди.

Денов илмий-текшириш станциясида анжирнинг 40 ва анорнинг 90 нави синалмоқда. Бундан ташқари, бу ерда Хитой ва Японiядан келтирилган мой, совун ва қоғоз дарахтлари ўстирилмоқда. Шунингдек ширин картошка, кучук, камфора берадиган дарахтлар етиштирилаяпти. Дастлабки йилларда илмий-текшириш станциясида Қора денгиз бўйидан, Кавказдан, Ўрта ер денгизи мамлакатларидан, Австралия ва Кичик Осиё, Хитой ва Японiядан келтирилган кипарис, пирамидал кипарис, размарин, мелия аллеи, қарағай, эквалипт дарахти, япон сафораси, ипак акацияси, эрон лилияси, пекан, лимон, кавказ хурмоси, шарқ хурмоси ва бошқалар кўпайтирилмоқда.

Ҳозирги вақтда водий хўжалигида хурмозор 70—80 гектар ерни ташкил этади. Илмий текшириш станциясида хурмонинг 23, бодомнинг 24, олманинг 72, анорнинг 100, беҳининг 16, нокнинг 52 хил новдалари ўстирилмоқда. Ҳозирги кунда ҳар гектар ердан 3—8 тонна анор, 20 тонна хурмо ҳосили олинаяпти. Булардан ташқари, апельсин, лимон ва шакарқамиш ҳосили яхши бўлмоқда.

Шакарқамиш — бу, тропик ўсимликдир, унинг Ватани Ҳиндистондир. У бу мамлакатда 3 минг йил илгари етиштирилган. Ҳиндистонда 2 марта гуллаб ҳосил беради. Шакарқамиш кейинчалик Покистон, Индонезия, Бирма, Япония, Куба ва бошқа мамлакатларда ҳам ўстириладиган бўлди. Биздаги шакарқамиш иссиқлик етишмаслиги натижасида апрелда экилиб, ноябрда йиғиб олинади (яъни 7—8 ой ичида). Шунинг учун у бир марта ҳосил беради. Лекин шунга қарамай, бу ерда цитрус ўсимликлари етиштиришни ривожлантириш кейинчалик Ўзбекистон шаҳарлари ва бошқа республикаларни лимон, апельсин билан таъминлаш проблемасини қисман ҳал этади.

СУРАТДА: Илмий текшириш станциясида илмий ходим Л. Прима шакарқамишнинг бўйини ва шакар процентини аниқламоқда.

Ш. ЭРГАШЕВ.

● *Ажойиботлар, мўъжизалар*

Қўл билан яратгандек

ТАБИАТДА кўпдан-кўп ажойиботлар учрайди. Тоғ ва адирларда тунеллар, кўприклар, арклар ва уста табиат қўли билан «ўрнатилган» деразаларни кўриш мумкин. Ер шарининг сувда эрувчан тоғ жинслари — оҳактош, доломит, мрамор, гипс, ош тузи кабилар тарқалган жойларда табиатнинг бундай мўъжизаларини кўплаб учратамиз. Табиий кўприкларнинг ер шарида тарқалиши ўзига хос бўлиб, улар асосан шимолий ярим шарда кузатилади.

Хўш, она табиат уларни қай тарика «ижод» қилгану, қай тарика «қурган?».

Ер ости кучлари таъсирида ҳозирги пайтда юқори кўтарилаётган ёки қадимги даврларда бу процессни кечирган территорияларда бундай табиат мўъжизалари учрайди. Шу кўтарилишлар туфайли, рельф парчаланган, ер остидаги бўшлиқлар (ғорлар) ер юзасига чиқиб қолган. Томининг қалинлиги 100 метргача бўлган ғорлар шипидаги ўпирилишлар туфайли очилиб қолган. Уларнинг баъзи бир жойлари эса ўпирилмасдан, табиий тунеллар, кўприклар, арклар кўринишини олган. Уларнинг узунлиги 70-100 метрдан ортиқ бўлса, табиий тунеллар деб аталади, ундан қисқаси табиий кўприклардир. Кўприкларнинг энсизи эса табиий арклар бўлади. Оҳактошларнинг қалинлиги 500-1000 метр бўлган тоғли районларда бундай ўпирилиш бўлмайди, натижада ер остидаги горизонтал бўшлиқлар ғор шаклида қолаверади. Табиат яратган

бундай шакллардан бири бўлган тунелларнинг энг узуни Лаосда жойлашган бўлиб, у 4 километрни ташкил этади, у Нам-Хин-Бун номи билан дунёга машҳурдир.

Пиренея тоғи этакларида Франциянинг Арьеж департаментида узунлиги 400 метрли табиий туннель мавжуд. Уни Аризай дарёси кесиб ўтади. Арабистон ярим оролининг Ливан тоғларидаги дара тепасида табиат томонидан «қурилган» кўприк устидан каттакон йўл ўтган. Колумбиядаги Карчи дарёси устига узала тушган табиий арк ва Сантьяго (Чили) ҳамда Мендосой (Аргентина) шаҳарлари ўртасидаги йўлда кўприк вазифасини ўтовчи жанубий арклар ўзининг «Инклар кўприги» номи билан оламга донг таратган. Бундай табиат мўъжизалари АҚШ, Болгария, Руминия, Чехословакия, Куба, Австрия, Жазоир ва бошқа мамлакатларда ҳам кўплаб учрайди. Табиатнинг бу мўъжизаларини мамлакатимизнинг Урал, Эстония, Кавказ, Қрим, Ўрта Осиё, Сибирь қисмларида кўрамиз.

Машҳур совет карстшуносс олими Г. А. Максимовичнинг келтирган маълумотига кўра, СССРда маълум бўлган табиий кўприк ва арклларнинг ярмидан ортиги Уралда жойлашган.

Сўнгги йилларда республикамиз ер ости бўшлиқлари кенг кўламда ўрганилаётганлиги туфайли, кўплаб ғаройиб рельф шакллари рўйхатга олиняпти. Пском дарёсининг ўнг ирмоқлари— Кўргонсой, Қоракиясой (1-расм) водийларида арклар, чап ирмоғи — Аксарсой водийсида эса икки қаватли мумиёли ғорда ҳосил бўлган табиий қўш деразалар, шунингдек, машҳур Обираҳмат яқинида ғорнинг ичини ёруғ қилиб турувчи, ғор шипидаги ўпирилиш туфайли ҳосил бўлган табиий деразалар бор. Ҳатто Қизилқумдаги Оқтоғда ҳам бундай рельф шакларидан бири бўлган табиий деразани (2-расм) кўриш мумкин.

М. МАМАТҚУЛОВ,
геология-минерология фанлари кандидати.
И. ОТАЖОНОВ,
илмий ходим.

Қўлбнок сатрлар

ВРАЧ ҚАБУЛИДА

— Қачон вино ичишни хоҳласангиз, дарров олма енг!

— Нималар деяпсиз, доктор, мен ҳеч қачон бунчалик кўп олмани ҳазм қилолмайман!

ТИНЧЛАНТИРДИ

— Майли, мен шу хонада ижарага туришга розиман. Фақат бир илтимосим бор, биронта қушингиз рояль чалиб мени безовта қилмайдими?

— О, бундан кўнглингиз тўқ бўлсин! Енимизда яшайдиган аёл ҳақиқатан ҳам рояль чалади. Лекин менинг болаларим шундай тўполон қилишадики, сизга рояльнинг товуши ҳеч эшитилмайди.

СУТЛИ НАРСАЛАР

— Томми, менга таркибида сут бўлган беш предметнинг номини айтиб бер-чи.

— Ег, пишлоқ, мороженое ва... иккита сигир!

УЗИДАН ҲАМ ЧИРОЙЛИ

Буюртмачи аёл:— Портретим чиндан ҳам чиройли бўладими?

Рассом:— О, албатта! Ҳатто ўзингизни танимай қоласиз!

● *Кичкинтойлар сўзлайди*

БЎРИ КЎРДИМ

Боғчага ҳаммадан кейин келган Равшан:

— Ҳой, болалар!— деди ҳовлиқиб, —мен бугун каттакон бўри кўрдим.

— Вой, қўрқмадингми,— деди бараварига чуғурлашиб болалар,— қаерда кўрдинг?

— Акамнинг китобида.

Н. АЛМУРОДОВ.

● *Филателист альбомидан*

Тинчлик ва дўстлик ҳақида

Бу йил филателистлар куранти, АҚШ, Франция ва ҒФР пойтахтларининг диққатга сазовор бўлган ерларидан намуналар берилган. Шунингдек, Ер шари ва унинг юқорисида «Тинчлик программаси амалда» деб ёзилган сўзлар бор.

Маркаларнинг ҳар бирида ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлари битилган махсус варақачалар бор. Бу эса маркаларнинг янада мазмунли чиқишини таъминлаган. Айни вақтда, маркада ифода қилинган сўзларнинг инглизча тексти ҳам бўлиб, бу чет эллик филателист ва марка ишқибозлари учун айни муддаодир.

Маркаларда Москва куранти ва ГФР пойтахтларининг диққатга сазовор бўлган ерларидан намуналар берилган. Шунингдек, Ер шари ва унинг юқорисида «Тинчлик программаси амалда» деб ёзилган сўзлар бор.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг АҚШ, Франция ва ҒФР-га қилган дўстона сафари ҳамон жаҳон тинчликсевар кишиларининг диққат марказида турибди. Шу тарихий воқеаларга бағишлаб Иттифоқ алоқа министрлиги нашриёти уч хил марка чиқариб муомалага тарқатди.

Маркаларда Москва

И. УСМОНОВ.



Қўшимча меҳнат отпускаси

Тошкент "Оқшоми" Справка бюроси

Ҳурматли редакция! Биз кундузи ишлаб, кечқурун география факультетида ўқиймиз. Ўқишдан практикага чиққанимизда иш жойимиздан отпуска бериладими ёки ўз ҳисобимиздан оламизми? Шунингдек, йўл ҳақи ва суточний учун маблағ бериладими?

Ш. Орипова, Т. Азизов, Э. Ҳайдаров, Б. Нуримов ва бошқалар.

Низомий номли Давлат педагогика институтининг студентлари.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган кишиларга имтиҳонларга ва диплом проектларини ёқлашга тайёргарлик кўришлари учун ҳақ тўланадиган қўшимча отпуска берилади.

Бу отпуска ҳақи отпускага чиқишдан олдинги сўнгги 12 ойда тўланган ўртача иш ҳақига қараб ҳисоблаб чиқарилади, лекин олий ўқув юртларида ўқиётганлар учун 100 сўмдан, техникумларда ўқиётганлар учун эса 80 сўмдан оширилмайди.

Диплом проектига материал тўплаш, танланган ихтисос бўйича корхонада қилинадиган иш билан таниш учун корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари ўқувчиларнинг илтимоси билан уларга иш ҳақини сақламаган ҳолда қўшимча бир ойлик отпуска беришлари мумкин. Шу отпуска даври учун студентларга стипендия ёзилади. Ўқиш давридаги қўшимча отпускани ўз вақтида, яъни имтиҳон ва зачётлар топшириш даврида олиш жуда муҳим. Шу сабабли, бу отпускаларни бошқа муддатга кўчириш ёки отпуска пулнигина тўлаш рухсат этилмайди. Ходим касаллик туфайли зачёт ва имтиҳонларни ўз вақтида топширолмаганлиги сабабли унинг учун сессия бошқа муддатга кўчирилган бўлса, ўқиш даврида фойдаланилмаган отпуска ҳам ўша муддатга кўчирилади.

Лаборатория ишларини бажариш, имтиҳон ва зачётлар топшириш учун олий ўқув юртлари ҳамда техникумларнинг сиртдан ўқиётган студентлари бошқа шаҳарлардаги институт ва техникумларга боришлари лозим. Бунинг учун йўлга қўшимча харажат керак. Корхона ва муассасалар ўқувчиларнинг ўқув жойига бориши ҳамда қайтиб келиши учун сарфланадиган йўл харажатининг ярмини йилига бир марта тўлайди. Диплом проектларини тайёрлаш, ёқлаш ёки давлат имтиҳонларини топириш учун институт ҳамда техникумларга боришқайтиб келиш пули ҳам шу миқдорда тўланади.

Оқшом насибаси

ЧЎЗМА ЛАҒМОН

Ресторан ва пазандалик магазинларида чўзма лагмонинг тайёр хамири сотилади. Баъзилар: «хамирни қўлда чўзганга не етсин, бириси эса машинада чиқарилган», деб қарашади. Бу фикр тўғри эмас. Пишизалиги, олий нав ундан тайёрланганлиги, рецепт ва колориясининг кормаллиги билан бунисн аъло ҳисобланади.

Тайёр хамирни уйга олиб келганингизда бир-бирига ёпишиб кетган бўлса, совуқ сувга солсангиз, дарҳол ажраб кетади. Сўнг намакобли қайноқ сувга солиб ишитинг.

Қайла тайёрлаш. Қозонда ёғни доғлаб, пиёзни пича тўғралган саримсоқ билан бирга қизартириб қовуринг, сўнг «чумчуқ тили» қилиб тўғралган гўшт ёки йирик кўзли мясорубкадан ўтказилган қиймадан солиб селн чиқ-қунча жазланг. Помидор ёки томат пастаси солиб қовуришни то масаллиқнинг намлиги буғ-лангунча давом этказинг. Сўнг чопилган карам солиб, бир-икки аралаштирасиз-да, ёзда бақлажон (сомонча усулда тўғралади) ва саримсоқ пиёзнинг нўки ё майсасимон жусай деб аталувчи ошкўкдан соласиз. Қишда бўлса турп (бу ҳам сомонча қилиб тўғралади) ва лавр япроғи, мурч, зира соласиз.

Сабзи ва картошка солиш ихтиёрий. Ҳамма масаллиқни ковлаб-ковлаб жазлагандан сўнг сув қуйиб, 35—40 минутча милтиратиб қайнатасиз, таъмини ростлаш учун туз ва пича узум сирканси томизасиз.

Тайёр таомни дастурхонга тортишда хамирдан косаларга ярим-ярим солиб, устидан қайноқ қайлани қуясиз. Юзига эса чопилган саримсоқ, тўйилган мурч ва доғлаб совитилган зиғир ёғи аралашмасидан тайёрланган лозимон сепиб узатасиз.

МАСАЛЛИҚ: 4 — 6 кишига: тайёр лагмон 1 килограмм, 200 грамм гўшт, 200 грамм ёғ, 200 грамм пиёз, 300 грамм карам, 300 грамм турп ёки бақлажон, бир боғ саримсоқ нўки ёки жусай, 4 дона лавр япроғи, бир чой қошиғида зира ва мурч, 2 чой қошиғида узум сирканси, туз эса таъбга кўра олинади. Барча масаллиқ қозонга тушгач, устидан 2 коса сув қуйиб қайнатилади.

Карим МАҲМУДОВ
пазанда.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ



байрамолди кунларида совға қилиш учун қуйидагиларни харид қилишни

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ёғоч ва керамикадан тайёрланган сувенирлар;

тилла ва кумушдан ишланган ювелир буюмлар, ҳинд усталари тайёрлаган деворга осиб қўйиладиган манзарали буюмлар.

Эркак ва аёллар туалетининг предметлари, парфюмерия ва косметика моллари;

трикотаж, ва ички кийимлар;

сумка ва портфеллар;

транзисторли приёмниклар, магнитофонлар ва грампластинкалар ва бошқалар.

ГУМга МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

„ТАШПРОМТОРГ“ МАГАЗИНЛАРИ

СИЗНИ БАЙРАМ СОВҒАСИНИ ХАРИД ҚИЛИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

МАГАЗИНЛАР САВДОСИДА:

трикотаж маҳсулотлари;

галантерея ва парфюмерия-косметика моллари;

сумкалар, рўмолчалар, шарфлар, қўйлаклар, сорочкалар ва бошқа совға буюмлари

МАВЖУД

Ҳамма магазинлар 5, 6 ноябрь кунлари кеч соат 10 гача ишлайди.

МАГАЗИНЛАРИМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЛЕНИН РАЙОН ПИШЧЕТОРГИ МАГАЗИНЛАРИ

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

кенг кўламда колбаса ва макарон маҳсулотлари, турли хил сортли сирлар;

сабзавотлар ва балиқ консервалари, тортлар ва кондитерлик маҳсулотларини

СОТИБ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Байрам дастурхонига қўйилган вино ва мева сувлари ортиқчалик қилмайди.

Магазинларда доим сут маҳсулотлари: сут (фляжкада ва пакетда), қаймоқ, қатиқ ва бошқалар бор.

МАГАЗИНЛАРИМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ КАТТА ТЕАТРИДА — 3|XI да **Жизель** (премьера), 4|XI да **Жизель** (кундуз соат 12 да) **Севги тумори** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3|XI да **Бой ила хизматчи**, 4|XI да **Абу Райҳон Беруний**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3|XI да **Ужарлар**, 4|XI да **Хотиннинг эри**, 5|XI да **Ҳалима**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 3|XI да **Биринчи бўса**, 4|XI да **Ойдин**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — МОСКВА ДАВЛАТ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (кеч соат 7 яримда, шанба ва якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда).

Кино

3 НОЯБРДА

Оддий кийимдаги киши — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Угай она — «ЧАЙКА» (жуфт соатларда), «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», ҲАМЗА номли (кечқурун).

Эпчиллик, жаноби олийлари — «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «МИР» (кечқурун).

Телбалар ҳафтаси — НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» (кечқурун).

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Санников ери — «МОСКВА» (жуфт соатларда), «КУКЧА» (кечқурун).

Фирибгар «Фариштa» — С. РАҲИМОВ номли (кечқурун).

Серафимга аталган уй — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Решма ва Шера — «МОСКВА» (тоқ соатларда).

Кашмирдаги севги — Ғ. ҒУЛОМ номли (кечқурун).

4 НОЯБРДА

Оддий кийимдаги киши — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Угай она — «ЧАЙКА» (жуфт соатларда), «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Эпчиллик, жаноби олийлари — «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Телбалар ҳафтаси — НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Санников ери — «МОСКВА» (жуфт соатларда), «КУКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Фирибгар «Фариштa» — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Серафимга аталган уй — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Решма ва Шера — «МОСКВА» (тоқ соатларда).

Кашмирдаги севги — Ғ. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

ЯНГИ ТАШКИЛ ҚИЛИНАЕТГАН

«ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» ва **«СЕЛЬСКАЯ ЖИЗНЬ»** ГАЗЕТАЛАРИГА

випускаюшийлар, вёрсткачилар, линотипистлар

КЕРАК.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 28-уй.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

5 НОЯБРЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 56 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Бутуниттифоқ бадиий коллективлар кўригининг дипломанти

«ЛАЗГИ» ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ГУЛСАРА ЕҚУБОВА

Солистлар: Хайрулла **ЛУТФУЛЛАЕВ**, Шариф **СУЛТОНОВ**, Нурмаҳон **САТТОРОВА**, Мавжуда **БАҲРИЕВА**, Мавлуда **ОЙНАҚУЛОВА**, Урбугул **СУЕРБОЕВА**, Отамурод **ҲОЖИЕВ**, Матназар **ХУДОЙНАЗАРОВ**, Ражаб **ИСМОИЛОВ**, Зуҳра **ҒОЗИЕВА**, Ойдин **ЭГАМБЕРДИЕВА**, Бика **ҲАНИТОВА**;

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **ҚОДИР** уста **БОБОЖОНОВ**.

Бадиий раҳбари — Узбекистон ССР халқ артисти **ГАВҲАР РАҲИМОВА**.

Музыка раҳбари — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **МАТНИЕЗ ЮСУПОВ**.

Программани — Зуҳра **ТЕМИРОВА** олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилмоқда.

ҲУРМАТЛИ ГРАЖДАНЛАР!

«ТАШОБУВЬТОРГ» МАГАЗИНЛАРИНИНГ

БАЙРАМОЛДИ САВДОСИДА

Мамлакатимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган кузги-қишки мавсумбоп замонавий фасондаги қулай ва чиройли пойафзаллар

МАВЖУД

ПОЙАФЗАЛ МАГАЗИНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

5, 6 ноябрь кунлари ҳамма магазинлар кеч соат 10 гача ишлайди.

«ТАШОБУВЬТОРГ».

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА

4, 5, 6, 7,8 НОЯБРДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Н. ДУМБАДЗЕ АСАРИ

Х. РУЗИМАТОВ таржимаси

„ТАШВИШЛАНМАНГ ОНАЖОН“

(2 пардали комедия)

Саҳналаштирувчи режиссёр — **А. ЕҚУБХУЖАЕВ.**

Рассом — Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Г. М. КАН.**

Билетлар сотилмоқда.

Узбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими бўйича Давлат Комитети ЯНГИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН

124-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1973—1974 йилга қуйидаги мутахассисликлар бўйича

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Узбек-инглиз, рус-инглиз тилларини эгаллаган кенг профилдаги стенографистка-машинисткалар: иш юритиш ва архив ишлари таълими билан биргаликда кенг профилдаги секретарь-машинисткалар.

Тошкент шаҳрида яшовчи ўрта маълумотли ёши 17 ва ундан катта бўлганлар қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари: рус группаларида — рус тили (диктант); ўзбек группаларида — ўзбек тили (диктант);

Ўқувчилар 30 сўм ҳажмда стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртини тугатганлар министрликлар, идоралар, партия, давлат органлари ва илмий муассаларга ишга юборилади.

Ўқиш муддати: — стенографистка-машинисткалар учун — 2 йил; секретарь-машинисткалар учун — 1 йил.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза; маълумоти тўғрисидаги аттестат (асли), справкалар: ота-оналарнинг иш жойидан, турар жойдан; соғлиғи тўғрисида; мактабдан характеристика, паспорт ва 4 дона (3х4 см.) фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Малогоспитальная кўчаси, 3-уй (3, 9, 22, 55 автобуслар, 1, 5, 2, 8, 9, 24 трамвайларнинг «Госпиталь бозори» бекати).

ҲУРМАТЛИ ШАҲАРЛИКЛАР!

„ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ“ МАГАЗИНЛАРИ

5, 6 НОЯБРЬ БАЙРАМОЛДИ КУНЛАРИДА КЕЧ СОАТ 10 ГАЧА

ИШЛАЙДИ

САВДОДА:

ҚАНДИЛЛАР ВА ҲАР ХИЛ ЧИРОҚЛАР;

ТЕЛЕВИЗОРЛАР, РАДИОПРИЕМНИКЛАР ВА МАГНИТОФОНЛАР;

ФОТОАППАРАТЛАР;

ИДИШЛАР ВА БОШҚА УЙ-РУЗҒОР БУЮМЛАРИ.

МАВЖУД

«Оазис-2», «Памир», «Саратов» холодильниклари, пианиноллар, кир ювиш машиналари, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган гиламлар ва мебелларни кредитга сотиб олиш мумкин.

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

1—Пролетар кўчаси, 49-уй;
3—Истиқбол кўчаси («Қўйлиқ» посёлкаси);
6—Ж. Обидова кўчаси, 143-уй, 7—Госпиталь бозори;
8—Кооперативная кўчаси 22-уй (Луначарский маркази);
4, 10—Фарҳод кўчасидаги ярмарка;
17—Сергели йўлдош шаҳарчаси;
18—Киров кўчаси;
22—Муқимий кўчаси, 4-уй;
23—Волгоград кўчаси;
24 — «Северо-Восток» массиви;
25—Навоий кўчаси;
28—«Оқтепа» массиви;
35 — Октябрь бозори;
39—Энгельс кўчаси (Олой бозори);
47—Муқимий кўчаси, 1-уй;
49—Морозов кўчаси, 25-уй;
50—Ш. Руставели кўчаси;
55—Киров кўчаси;
60—Воткин кўчаси;
63 —В. Хмельницкий кўчаси,

МАГАЗИНЛАРИМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ

4, 5, 6 НОЯБРЬ БАЙРАМОЛДИ КУНЛАРИ ЭРТАЛАБ СОАТ 9 ДАН КЕЧ 10 ГАЧА

ИШЛАЙДИ

Тошкент область Бўка районидаги 41-ўрта мактаб томонидан **Тожимурод Қурбонқулов** номига берилган 597003 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ «СЕРВИС» ФИРМАСИНИНГ

ПРОКАТ ПУНКТЛАРИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Сиз пунктлардан вақтича (байрам кунларида) фойдаланиш учун қуйидагиларни олишингиз мумкин:

ВИЛКАЛАР, ҚОШИҚЛАР, РЮМКАЛАР, ТАРЕЛКАЛАР, ФОТОАППАРАТЛАР ВА КИНОКАМЕРАЛАР;

ТРАНЗИСТОРЛИ ПРИЕМНИКЛАР, МАГНИТОФОНЛАР, ПРОИГРИВАТЕЛЛАР ВА БОШҚА СИЗГА ЗАРУР БЎЛГАН НАРСАЛАРНИ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

ПРОКАТ ПУНКТЛАРИНИНГ АДРЕСИ:

Марказий «Сервис» уйи — Навоий кўчаси, 30 «а»-уй;

Ленин кўчаси, 73-уй;

Ш. Руставели кўчаси, 132-уй;

«Чилонзор» массиви, Савдо маркази;

«Северо-Восток» массиви ва бошқа прокат ателъелари.



ТОШКЕНТ «СЕРВИС» ФИРМАСИ.

ТЕЛЕВИЗОР

3 НОЯБРЬ ШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.25 Кўрсатувлар программаси. 17.30 Болалар учун кинофильм. **Узбек тилида:** 17.45 Болалар учун. «Санъат гунчалари». 18.15 **«Ерқин ҳаёт»** телевизион журнали. 19.15 **«Ахборот»** информацион программаси (рус тилида). 19.30 «Нафосат» Бадиий фильм. 20.40 **«Ахборот»** информацион программаси. 21.00 **Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт. Москва кўрсатади.** 22.00 **«Вақт»** информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 **Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 50 йиллиги олдидан. «Таъзим».** Қашқадарё область Шаҳрисаба районидаги меҳнаткашлари билан учрашув (Ўзбек тилида).

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.25 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 17.55 Рангли телевидение. «Ҳайвонот оламида». 18.55 Концерт. 19.40 **Сизларга СССР Кўмир саноати министри Б. Ф. Братченко жавоб беради.** 20.10 Шу кунинг қўшиқлари. 20.55 Рангли телевидение. «Пўлат қандай тобланди». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 1-серияси. **Тошкент кўрсатади.**

4 НОЯБРЬ ЯКШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.25 Кўрсатувлар программаси. 9.30 Янгиликлар. **Узбек тилида:** 9.40 Ўқувчилар учун. **«Биз Ильич набиралари».** 10.10 Болалар учун мультфильм. 10.30 Ўқувчилар учун. **«Оталаримиз жасорати». Москва кўрсатади.** 11.00 Кўрсатувлар программаси. 11.05 Янгиликлар. 11.10 Рангли телевидение. Ўқувчилар учун. «Будильник». 11.40 **«Совет Иттифоқига хизмат қилиш».** 12.40 Рангли телевидение. **«Қишлоқ янгиликлари».** 13.40 **СССР Давлат мукофотига номзодлар.** В. Фоменко «Ер хотираси». 14.00 Ўқувчилар учун кўрсатув. ГДР дан олиб кўрсатилади (Эзиб олинган). 15.00 Музикали киоск. 15.30 Рангли телевидение. Киносаҳҳатчилар клуби. 16.30 Москва концерт залларч бўйлаб. **Тошкент кўрсатади.** 17.15 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 17.25 Болалар учун кинофильм. 17.55 Ўқувчилар учун. «Колокольчик» клуби. **Москва кўрсатади.** 18.25 Халқаро панорама. **Тошкент кўрсатади.** 18.55 **«Ахборот»** информацион программаси. (рус тилида). **Узбек тилида:** 19.10 «Учрашув». Телевизион бадиий фильм. 20.15 **«Ахборот»** информацион программаси. 20.35 Ўн минут музика. 20.45 **«Илғорлар минбари».** 21.00 **Пахта терими илғорлари талабларига мувофиқ концерт. Москва кўрсатади.** 22.00 **«Вақт»** информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.**

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўқув программаси. Узбек тилида: 10.00 Ўқитувчилар учун консультация. **Сиртдан ўқиётган студентлар учун:** 10.30 Физика. 1- курс. 11.00 Инглиз тили. «Бизнинг мамлакат». 12.00 Назарий механика. 13.00 Немис тили. 13.30 Олий математика (рус тилида). 14.00 Француз тили. **Москва кўрсатади.** 17.15 Адабий асарларни экранлаштириш. «Мўмў». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 18.25 Ҳужжатли фильмлар экрани (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 18.55 **Сув полоси бўйича СССР чемпионати.** 19.25 «Москванинг чет эллик меҳмонлари». 19.40 Жаҳон халқлари куйлари. 20.20 Рангли телевидение. «Пўлат қандай тобланди». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 2-серияси. 21.30 Томошабинлар хатлари асосида музикали программа. **Тошкент кўрсатади.**

Учинчи программа. 17.00 дан Фрунзе кўрсатади.

Тошкент оқшоми 4 бет. 4 НОЯБРЬ, 1973 й.

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ГОРКОМА КП УЗБЕКИСТАНА И ТАШГОРСОВЕТА

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, ДЗЕРЖИНСКИЙ КУЧАСИ, 15-УЙ.

ИНДЕКС 64579. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Р — 00911. Нашр В — 2333.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача, Эълонлар бўлими — 33-81-42.